Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурханов раислигида ўтказилган йиғилиш

1-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2025 йил 31 январь **Тошкент вилояти**

Раислик этувчи:	**А.Бурханов** Агентлик директори
Директор ўринбосарлари:	Д.Рахимов, У.Тухташева, У.Мавлянов
Агентлик ходимлари:	Барча ходимлар
Котиб:	И.Абдуллаев

Кун тартибидаги масала:

I. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги таркибий тармоқлари томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 2025 йилдаги вазифаларни белгилаш.

Йиғилишни раислик этувчи кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан **2024 йилда** коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, **8 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, натижада давлат органлари ва ташкилотларида **манфаатлар тўқнашуви** билан боғлиқ муносабатларни тартибга солинди, **спорт соҳасида** коррупциявий ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди, **«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси»** электрон платформаси ишга туширилди, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти **очиқлигини масофавий мониторинг қилиш** тартиби тасдиқланди.

Агентлик томонидан манфаатлар тўқнашуви, давлат харидлари, давлат органларининг очиқлиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича вазирлик ва идораларга **408 та тақдимномалар** киритилди.

234 та ҳолатда **263,9 млрд.** сўмлик харидлар бекор қилиниб, ноқонуний давлат харидлари ўтказилишининг олди олинди.

Бундан ташқари, ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун **293 та** материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, улар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий **28 та жиноят иши** ва **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан 104 та маъмурий ишлар қўзғатилди.**

“E-antikor” платформаси орқали **101 та** давлат органлари ва ташкилотларининг **7 525 та** функцияларидаги **коррупция хавф-хатарлари даражаси** баҳолашдан ўтказилди, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинги** ва **очиқлик индекси** шакллантирилди.

Шунингдек йиғилиш давомида, амалга оширилган ислоҳотлар билан бир қаторда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан Агентлик зиммасига юклатилган айрим вазифаларнинг тўлиқ ижроси таъминланмаётганлиги танқид қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан директор ўринбосарлари Д.Рахимов, У.Тухташева ва У.Мавляновларнинг ҳамда таркибий тармоқ раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда таклифлари эшитилиб, муҳокама этилди.

Қайд қилинганларга асосан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентлик директорининг ўринбосарлари (Д.Рахимов, У.Тухташева, У.Мавлянов), Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими (И.Абдуллаев) ҳамда барча таркибий тармоқ раҳбарлари йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўзларига белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ижросини таъминлаб борсин.

3. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича таркибий тармоқлар томонидан 2025 йилда амалга ошириладиган вазифа ва топшириқлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Раислик этувчи **А. Бурханов**

Котиб И. Абдуллаев